



Абу Али Хасан ибн Али Тусий Низомулмулк (1018-1092) Шарк тарихи ва маданиятида ўзининг 1091 йили ёзилган «Сиёсатнома» (ёки «Сияр ул-мулк») асари билан ўчмас из қолдирган

Абу Али Хасаннинг бобоси Байхак кишлогининг энг нуфузли дехконларидан бўлиб, тўрт нафар ўғилнинг отаси эди. Унинг катта ўғли Абулхасан Али отаси вафотидан кейин Хуросон волийси Абулфазл саройига бориб, унинг хизматига қиради. 1018 йилда унинг оиласида (Туснинг Родкон вилоятидаги Навгон кишлогига) Абу Али Хасан оламга келади. У бошланғич тахсилни шу ерда олади, кейин Нишопур ва Марвда ўқиб, вояга етгач, Балхга бориб, Али ибн Шодон хизматига қиради. Кейинчалик у Довуд ибн Микоилга дабир бўлади. Дабирлик мансабидан салжукийлар (1037-1194) шохи Алпарслон (1063-1072 йиллар) саройида вазирлик мансабига кўтарилади ва «Низомулмулк», яъни мулкнинг низоми, тартиби маъносини англатувчи номи билан шуҳрат қозонади. Вазирлик даврида у қарийб давлатнинг бутун ишларини ўзи олиб боради Низомулмулк сарой ва давлатдаги шунчалик катта обрў эътиборига қарамасдан ҳасадгўй, гаразгўй кишилар ва мансабдорларнинг игволаридан ҳавфсираб яшарди. Хатто Алпарслоннинг ўзи ҳам вазирини рофизийликда айблаб, унинг шофеий мазхабида эмаслигидан афсусланади. Шохнинг шундай муносабатини Низомулмулк ўз асарида таассуф билан эслайди.

Алпарслон ўлдирилганидан кейин Низомулмулк 1072 унинг ўғли, 17 ёшида тахтга ўтирган Маликшоҳ (1072-1092 йиллар) саройида вазирлик қилиб, бу шохнинг давлатига ҳам катта мадад беради, мулкни бошқариб туради. Маликшоҳ уни ўз хомийси отабек деб атаган. Вазирлиги даврида у кўп олимлар ва машҳур кишиларга хомийлик қилиб,

моддий ёрдам кўрсатди. Улуг олим ва шоир Умар Хайём ҳам Низомулмулкнинг мурувватидан бахраманд бўлганлиги яхши маълум. Шу хукмронлар даврида Низомулмулк Арабистондан то Туркистонгача бўлган улкан мамлакатни бошқарган. Бу даврда хатто халифа пойтахти бўлмиш Багдод ҳам Маликшоҳ кўлида эди ва уни бевосита вазири Низомулмулк бошқарган. Тарихчи Мирхонд ўзининг "Равзат ус-сафо" асарида (4-жилд, 107-бет) бир воқеани келтирган. Бир куни Маликшоҳ Низомулмулкнинг ўглидан хафа бўлади. У султон шахнасини тахир килган эмиш. Вазири олдида ўз одамларини юбориб, хафа бўлганини айтиб юборади: "Агарда мамлакат бошқарувида сен менга шерик бўлсанг, майлия, бироқ менга тобеъ бўлсанг, нимага ўглинг килмишларини назорат килмайсан, у хадидан ошиб кетибтику. Хохласам буюраман, олдиндан давотни оладилар (яъни вазирликдан тушираман сени)". Низомулмулк унга жавоб бердики, сенинг давлату тожинг менинг давотимга боглик, вазирликни мендан олсанг, сендан тожингни оладилар Низомулмулкнинг окилона ва адолатли давлат бошқаруви туфайли Маликшоҳнинг номи тарихда колди. У адл ва инсофнинг буюк меъмори эди. Вазирлиги даврида Багдод, Басра ва Исфahонда "Низомия" номидаги мадрасалар бино килади Маликшоҳ ва унинг вазири Низомулмулк давлатида иктисодий шароит яхшиланган даврда 30 ёшли Умар Хайём (1040-1123) таникли астроном эди. Уни 1074 йили Сосонийларнинг шамсий таквими (календари)ни ислох этиш учун тузилган гуруҳга рахбарликка таклиф килишади. Умар Хаём бу ишни бажариб, девоннинг илмий ва давлат ишларига таклиф килинади. Бу таклифни Умар Хаём рад этса ҳам Низомулмулк унга йилига 1200 туман хак бериб, илмий ва адабий фаолиятини олиб бориши учун шароит яратиб беради Маликшоҳ салжукийлар империяси пойтахти бўлмиш Марвда катта обсерватория курдиради. Саройда илмий маданий мухит шаклланади. Бўлгуси буюк олим - Мухаммад Газзолий (1058-1111) бу вақтда энди ижодга киришган, арабийнавис шоирлар Муизий, Тантароний, Тугрой кабилар Маликшоҳ саройи билан богланган эдилар. Низомулмулк 1067 йили Багдодда оламга машхур «Низомия» мадрасасини курдиради. Мухаммад Газзолий ўз вақтида ана шу мадрасада дарс берган Низомулмулк ўз даврининг машхур кишиларидан бўлмиш Хасан Сабохни ҳам Маликшоҳ саройига жалб этади. Аммо кейинчалик у билан келиша олмай, уни сарой хизматидан четлатади. Улар ўртасида очик душманлик муносабати пайдо бўлади. Хасан Сабох Мисрга бориб тахсил олиб, исмоилия мазхабининг доийси-таргиботчиси бўлиб кайтгач, куч билан Казвин яқинидаги Аламут калъасини босиб олади ва Маликшоҳ Салжукий ва унинг вазири Низомулмулкка карши харакатларини бошлайди.

Бундан ташқари, Маликшоҳ ўлиmidан кейин унинг авлодлари ўртасида тахт учун кураш бошланади. Низомулмулк Маликшоҳнинг катта ўгли Баркаёрикнинг тахт учун курашувига мадад беради ва бу билан Маликшоҳнинг хотини Турконхотуннинг ашаддий душманига айланади. Давлат ишларига таъсири жуда сезиларли бўлган Турконхотуннинг бевосита иштирокида Низомулмулк вазирликдан олиниб, ўрнига шу хотиннинг яқин кишиси Тожулмулк Абулганоим ибн Хусрави Фируз тайинланади.

Вазирликдан кетган Низомулмулк ана шу кишиларнинг игволари ҳамда Хасан Сабохнинг иштироки билан Багдод сафари йўлида, Нахованд шаҳри яқинида Абу Тохир исмли ёлланган котил тигидан 1092 йнли 14 октябрда ўлдирилади Маликшоҳдан кейин меросхўрлар ўртасидаги тож-тахт учун талашувлар натижасида у бунёд этган обсерватория ёпилиб, Умар Хайём ҳам бу ерни тарк этади. Маданий мухит таназзулга юз тутди.

Маликшоҳ Салжукий ўз хукмронлиги даврида саройнинг фозил ва олимларига давлатни

бошқариш коидалари, тартиботи ва усуллари хакида бир рисола ёзиб, унда ўтган шохлар тарихи ва ҳаётий тажрибасидан мисоллар келтиришларини буюради. Бу рисола, аввало, давлат бошқаруви ишларида дастур вазифасини бажариши кераклигини таъкидлайди. Ўзига хос ушбу ижодий беллашувда Низомулмулк ҳам иштирок этади. Унинг сўзига караганда, мазкур ишга Шарафулмулк (Абу Саид Муҳаммад бини Мансур бини Муҳаммад ал-Хоразмий), Тожулмулк, Маждулмулк (Абулфазл Асад бини Муҳаммад ал-Кумий) ва бошқалар қўл урадилар

йили Низомулмулк ёзган 39 бобдан иборат «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» («Подшоҳлар турмуши») номли асар шохга манзур бўлади. Сўнгра Низомулмулк асарини қайта ишлаб, уни янги боб ва қисмлар билан бойитади. 1092 йили уни қўчириб, Султон Маликшоҳга бериб қўйиш учун саройнинг махсус қотиби Муҳаммад Мағрибий ан-Носихга топшириб, ўзи Бағдод сафарига йўл олади.

Низомулмулкдан кейин, 1092 йили Маликшоҳ ҳам ўлдирилиб, тож-тахт учун кураш авж олиб кетади ва давлат ишлари тартибсизликка учраб, халқнинг аҳоли ёмонлаша боради. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Мағрибий факат 1105 йилга келиб, яъни Гиёс уд-дин Муҳаммад бини Маликшоҳ даврида (1105-1118 йиллари) асарни эълон қилишга муваффақ бўлади.

Шундай қилиб, қотиб Муҳаммад Мағрибийнинг Низомулмулкка садокати ва шижоати туфайли унинг васиятномаси бизгача етиб келди.

«Сиёсатнома» асари яратилган даврдан бошлаб олимлар,» тарихчилар, адиблар, энг асосийси, шоху ҳокимлар диққатини ўзига тортиб келади. Бу асарни султонлар ва бошқа мансабдорлар қўчиртириб олиб, ўз фаолиятларида фойдаланганлар. «Сиёсатнома» Шарқ маданиятини, салжукийлар тарихи ва сиёсий ҳаётини ўрганишда энг ишончли манба бўлиши билан бирга форс адабиётининг дастлабки бадиий асарларидан саналади. Темур тузуклари» асарида улуг вазир ва давлат арбоби» Низомулмулк амаллари ҳурмат-эҳтиром билан эсланиб, жумладан, шундай дейилади: «Масалан, Маликшоҳ Салжукий ўз вазири - Низомулмулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумкадам вазирнинг қабих ишлари, зулм-ситами ва нафси бузуклиги касофатидан салтанат биноти бузила бошлади». Бошқа бир жойида Низомулмулк давлатни бошқаришда ибрат қилиб қўрсатилиб, унинг фазилатларига таъриф берилади: «Низомулмулкнинг ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди. У ҳажа бормокчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дебди: «Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдамнинг ҳаж қилиш билан баробардир.

Темур тузуклари»да ақлли, билимдон ва хушёр вазир» мамлакат ҳаётининг турли жаҳаларида жуда катта куч эканлиги, подшоҳининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тadbиркорлиги ва узокни қўра билиши қобилияти билан осонлаштириши олийжанобларча эътироф этилади. «Бундай вазирни эъзозлаб, иззат-икром этсинлар», «давлат шериги билиб, азиз тутсинлар. Зинҳор унинг сўзидан чикмасинлар, у нима деган бўлса, бари ақл қўзғусидир», дея қайта-қайта таъкидланар экан, шундай ҳурматга сазовор вазир сифатида яна Низомулмулк мисол сифатида келтирилади. Асарнинг тарихий, сиёсий ва бадиий аҳамияти шундаки, у салжукийлар ҳукмронлигига оид обрўли манба бўлиб, бу қўлсиз шохлар учун давлатни бошқаришда бир дастур тарзида яратилган. Асар адабий манба сифатида ҳам жуда қимматлидир. Шу сабабли асарга, Низомулмулк шахсиятига Алишер Навоий, «Дастур ул-мулк» муаллифи Самандар

Термизий, «Осор ал-билод» муаллифи Абу Яхё Закариё ибн Мухаммад ал-Казвиний ҳамда Ибн Исфандиёр, Ибн Биби, Ибн Тиктак, Хожа Халифа ва бошқа кўплаб улуг алломаю давлат арбоблари гоят юксак баҳо берганлар

Ушбу асар машхур шаркшунос олимлардан Ш.Риё, В.Дорн, Э.Брове, А.Кристенсен, Ч.Шеффер, Т.Нельдеке, В.В.Бартольд, А.Кримский, Мухаммад Низомиддин, Файз ал-Хасан Файзий, Б.Гафуров, Б. Ахмедов ва бошқалар диққатини ўзига тортиб, уларнинг жиддий хулосаларига асос бўлган. Кўпгина хорижий нашрларда «Сиёсатнома» асари бугунги сиёсатчилар учун ҳам энг яхши кўлланма сифатида баҳоланади

«Сиёсатнома» асари ва Низомулмулкнинг шахсияти кўп» мутахассислар катори ўзбек олимлари ҳамда ўқувчиларини ҳам кизиштириб келмоқда. Бу асардан баъзи парчалар ва маълумотларни академик Бўрибой Ахмедовнинг мақолаларида ҳамда «Ўзбекистон тарихига оид манбалар» китобида учратамиз.

«Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» асарини олимлар» салжукийларнинг сиёсий дастури сифатида баҳолаганлар. Асарнинг асосий гоялари ҳам шундан иборатки, вазир Низомулмулк шох ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, катъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва имонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Ўқувчи Низомулмулк асарини ўқир экан, муаллифнинг ақл-заковати, ҳаётий тажрибаси, ҳикоя ва мисолларига мафтун бўлади, унда келтирилган илмий, ахлокий-тарбиявий, диний далилларга ишонади, асар муаллифининг тилига, бадиий тасвир маҳоратига қойил қолади.

Масалан, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» да Хожа Камолиддин Хусайн номли шоир ҳақида гапира туриб шундай ёзади: «Хожа Низомулмулкнинг ўғлидир. Отасининг таайюн ва иштихори бурунги Низомулмулкдин ортиқроқ бўлмаса, ўқсук (кам) ҳам эмас. Ўтибор юзидин анинг била тенг бор эди. Аммо мансаб юзидин ортти... » Навоийнинг гаплари шуни кўрсатадики, Хирот маданий муҳити учун салжукийлар вазири таникли шахс бўлган. Шу боисдан ҳам бошқани унга қийин, нисбат бериб таърифлаяпти.

Низомулмулк фикрича, адолат ва саховат хайр-садақадан, ночор, ноилоҳ кишиларга мадад беришдан, бева-бечоралар, майиб ва ногиронларга ҳазинадан нафақа ажратишдан ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатдир. Амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига бир амал бериб, ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидандир. Ҳар бир ишда амалдорларнинг маслаҳат билан иш қўришлари кўзда тутилади. Низомулмулкнинг шох ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жаҳон кезган оксоқоллар, олиму мўътабар кишилар билан маслаҳатлашиб иш тутиши тарафдоридир. Низомулмулкнинг яна бир фикри ўтиборга сазовордир. Бу гоё шундан иборатки, давлатда марказий ҳукумат (яъни шох ҳокимияти) жуда ҳам қучли бўлиши лозим.

Шундагина давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, мурувватда яшайди

XI аср вазири Низомулмулкнинг фикрича, раият аҳли, зулму ситам қўрган ҳар бир киши, умуман, норози бўлганлар амалдор ва ҳокимдан тортиб то вазир ва шохнинг ўзига қабулларига бориб, шикоят ёки маслаҳатини баён қилишлари зарур. У ёзади: «Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм қўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда ҳудованд подшоҳ додхоҳларини олдига чақириб,

хафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга таркалса, унда ситам килувчилар окибатини ўйлаб кўриб бедодлик килмайдилар. Низомулмулк ҳар бир гоёни исботлаш учун муайян тарихий ва афсонавий шахслар, сулолалар ва салтанатлар тарихидан, ўтмишидан фойдаланиб, тегишли воқеалардан мисоллар келтиради. Давлат бошқаруви ва ҳукуматчиликка у 875-999 йилларда ҳукм сурган сомоний ҳамда газнавий султон ва шохларни намуна қилиб кўрсатади. Бу сулолаларнинг намояндаларини ниятда улуғлаб, баъзан уларга хос бўлган фазилат ва яхши хислатларни, ҳулқ-атворларни эъзозлаб, замона шохларида ҳам шундай сифатларни кўрмоқчи бўлади ва шу йўл билан уларга давлатни бошқариш борасида самимий маслаҳатлар беради

Низомулмулк замонасидаги иллатларни баъзан очикчасига баён қилади, лекин оқил инсон, давлат арбоби бўлганлигидан баъзи ҳаракатлари зое қетаётганлигини яхши тушунади. Ўша даврларда ҳам ҳасадчи ва ғаразли амалдорлар борлигини, саройдаги макрлар, амалдорларнинг бир-бирларига қасд ва душманликлари давлат ишларига, халқ ва салтанатга зиён эканлигини яширмайди. «Бизнинг замонда, - деб ёзади у, - амирлар бир ҳаром динордан чўчимайдилар, ҳақиқатни ёлгонга чиқариб, иш оқибатини ўйламайдилар». Бошқа жойда: «Хозир шундай замон бўлганки, юз мусулмоннинг қони тўкилса ҳам, бировнинг заррача иши йўқ. Олтинларни олганда ҳам бировни жавобгар қилмайдилар, ишни ҳам охиригача олиб бормайдилар. Ажаб дунё, бундан кейин нима бўлар экан?!» .- деб ёзади

Давлатни идора этишда амалдорлар катта ўрин тутишини яхши тушунган Низомулмулк уларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйишни, ҳар бирига лойиқ амал бериб, асосий мақсад йўлида тарбия қилишни муҳим бир талаб деб билади. Ҳар қайси амалдорни тарбиялашга қўп вақт кетиши ва бу мушкул иш эканини тушунтириб, ҳокимларга қўл остидагиларни эҳтиёт қилишни маслаҳат беради. Амалдорнинг ҳатосини кўриб, уни дарров ишдан олиш тўғри эмаслигини, уни биринчи маротаба кечириб, яна ҳато қилмаслиги учун ҳимоя қилиш кераклигини айтади

Асарнинг баъзи қисмлари ва бобларида халифаларга қарши бўлиб ўтган қўзғолон ва урушлар, исломдаги ҳар хил маъзаб ва жараёнлар, уларнинг намояндалари ва тарафдорлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Жумладан, Маъздак ҳаракати, Муқанна қўзғолони, Абу Муслим ҳаракати, Озарбайжонда афшин Бобакнинг чиқишлари ҳамда қарматий, ботиний, рофизий, қадария ва шиалар ҳаракатлари билан боғлиқ воқеалар ўз аксини топган. Муаллиф бу воқеаларни баён қилиб, уларнинг сабаблари ва оқибатларини очиқ беришга ҳаракат қилади. Муаллифнинг энг асосий ҳулосаси шундан иборатки, марказий давлат ягона бир гоёга эга бўлмаса, ҳар хил гоё ва фикрлар тарафдорлари ҳокимият учун қурашадилар, бу мақсад эса қон тўқишлар ва зулму ситамларга сабаб бўлиши мумкин. Асарда Марказий ҳукумат, давлат, шоху ҳокимлар халқ бирлиги, давлат истиклоли, қудрати ва мудофаасини таъминлаш учун қуч-ғайратларини сарфлашлари зарур, деган гоё етакчи ўринда туради.

Сиёсатнома» мавзу жиҳатдан қенг қамровли ва сермазмун» асар. Унда давлат бошқарувига алоқадор қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар масалалари, саройдаги соқчилару қосбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, қочта ва айғокчилик (разведка) ишлари, уларнинг қоддий жиҳатлари, ҳазина ва байтулқол, элчиларга қуносабат, ҳатто шохнинг оилавий ишлари, унинг қазм ва мажлислари, қос қодим ва шахсий соқчилари ҳақида маълумот ва маслаҳатлар бор. Асарда қолия ва ҳўжалиқ

ишлари, солик ва хирож, закот ва вакф масалалари ҳам ўрин олган. Улар баъзан керакли даражада очиб берилган бўлмаса ҳам, муайян тадқиқотларга озука бера олади. Асар ҳозирги давр сиёсатчилари, давлат амалдорлари ва мансабдор кишиларга, умуман, ўтмиш тарихимизга кизикувчи барча ўқувчиларга маънавий рух ва куч беради, деб ўйлаймиз Асарнинг бадиий қиммати шундаки, унинг муаллифи ўз фикрларини турли ҳикоятлар воситасида исботлаб, мустаҳкамлаб боради. Карашлари ўқувчи онгига етиб бориши, диққатини жалб этиши учун турли тарихий шахслар, ҳар хил қаҳрамонлар ва уларнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳикоятларни келтиради. Салжукий ҳукмдорларга панд-насихат қилаётган муаллиф, асосан, илгари ўтган ҳукмдорлар билан боғлиқ воқеаларни келтириш орқали уларнинг ижобий хусусиятларини замонаси шохларига, ўтмиш ҳукмдорларига намуна қилиб кўрсатишни истади. Салбий жихатларни тилга оларкан, уларнинг оқибатларидан сабоқ беради. Асар тилининг соддалиги билан китобхонни ўзига тортади. Низомулмулкнинг баён услубидаги публицистик рух ҳам асарни ўқишли қилган.

Сиёсатнома», - деб ёзади профессор Б.Н.Заходер, - бу,» жиддий сиёсий ҳужжат бўлиб, марказий ҳукумат парчаланишига қарши қаратилган асардир. «Сиёсатнома» марказлашган давлат тузишга даъват этиб, қучли давлат маҳкамаси, армия ва бошқа .«текшириш воситаларини яратишга чакиради Сиёсатнома» нинг энг қадимий нусхаси Британия музейида» (АДД 23516) ҳамда Берлинда сақланади. Бу нусхалар 1168-69 йили Урмия шаҳрида амир-хожиб Алп Жамолiddин фармонида биноан қўчирилган, Чарлз Шеффер 1291 йили қўчирилган бошқа нусхадан фойдаланиб, асарни француз тилига ўгириб, 1893 йили нашр этган. 1914 йили Калкутта шаҳрида асарнинг тош-босма нусхаси ҳам чоп қилинган. Кейинчалик, 1932 йили Техрон шаҳрида Иброҳим Халҳолий иштирокида «Сиёсатнома» асари беш нусха асосида солиштирилиб, босиб чиқарилган Низомулмулкнинг бу асарини Б.Н.Заходер кўп йиллик тадқиқотларидан сўнг 1949 йили рус тилига таржима қилиб, нашр эттирди. 1960 йили асар инглиз тилида чоп қилинди Сиёсатнома»нинг яна бир наشري 1989 йили Душанбеда» амалга оширилди. Асарни нашр этган олим А.Девонакулов ўз сўзбошисида асарнинг асосан бадиий аҳамиятини умуминсоний Сиасатнаме. Книга о правлении визира XI столетия Низам аль-мулька. Москва-Ленинград, «Наука», 1949, с.242 қадриятлар жихатидан таҳлил этган. Аммо бу нашр баъзи камчиликлардан холи эмас: асарнинг баъзи боблари тушириб қолдирилган. Сиёсатнома»нинг ушбу таржимасига асарнинг 1932 йилги» Эрон наشري асос қилиб олинди. Китоб оммавий нашрга мўлжалланаётганлигини назарда тутиб, айрим жузъий қисқартиришлар қилинди ва асар тили эса ўзбек тилидаги баён услубга яқинлаштирилган тарзда берилди. Асарни нашрга тайёрлашда бизга ёрдам берган барча шахсларга, жумладан таржимани асл нусха билан солиштиришга қўмаклашган Олима Набиевага, ноширларимизга миннатдорчилик билдирамыз.